Ушбу сонда:
2-3 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР
4 БОР БЎЛ, МЕҲР-ОҚИБАТ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 январ, жума №4 (1018)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Ҳаётимизнинг асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича комиссия тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилсин.

2. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан биргаликда:

бир ой муддатда таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, курслар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсинлар;

2001 йил 1 апрелга қадар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курсларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларни, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус адабиётларни 2001 йил 1 августга қадар яратсинлар, чоп этсинлар ва жойларга етказишни ташкил этсинлар.

3. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирлик ва идоралар:

2001 йил 1 августга қадар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрласинлар;

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришсинлар;

курс мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси, тегишли жамоат ташкилотлари Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсинлар, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгиласинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

5. Ўзтелерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, «Тасвирий ойина» уюшмаси оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий рукнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳамда тасвирий воситалар ташкил этсинлар.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 4 январ



«Чиноздон» ҳиссадорлик жамияти Туркия Республикаси билан ҳамкорликда ўз тасарруфидаги корхоналарда энг замонавий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу ойига 700 тонна юқори сифатли унни буюртмачиларга етказиб бериш имконини бераётир. Яқинда янги нон цехини ишга туширилди, натижада яна 25 та иш ўрни очилди.

***Суратда: (юқорида) корхона биносининг умумий кўриниши. (Пастда) эса корхона раҳбари М.Ғуломов ва илғор ишчи Э.Бўронов.***



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

2001 йил муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти номидан қутловлар изҳор этишни истардим. Янги минг йиллик Сизга ва мамлакатингизга бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ келтиришига ишонаман.

Сиз миллатнинг саломатлиги тўғрисида доимо шахсан ғамхўрлик қилиб келаётганингиз ҳамда 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилганингизни эшитиб, ниҳоят мамнун бўлдим.

Самимият ила,

**д-р Гро Харлем Брунтланд,**
**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизга 2001 йилда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз.

2001 йилда ЮНИСЕФ, Сизнинг раҳбарлигингиз ва мададингизда, болалар манфаатларини кўзловчи умумжаҳон ҳаракатини амалга оширишда кўмаклашади.

Мазкур ҳаракат биргаликдаги мажбуриятларимизнинг ижросини ўзида акс эттиради ва бутун дунё болаларининг бахт-саодати йўлидаги ишларни жадаллаштириш учун хизмат қилади.

**Кэрол Беллами,**
**ЮНИСЕФ Ижрочи директори**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва яқин кишиларингизни Янги, 2001 йил билан сидқидилдан муборакбод этаман!

Янги асрнинг биринчи йили Сиз учун энг эзгу истакларингиз рўёбга чиқадиган йил бўлиб қолсин ҳамда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик келтирсин!

Чин қалбдан сиҳат-саломатлик, эзгулик ва муваффақиятлар тилайман!

2001 йилда қувонч ва бахт-иқбол Сизга ёр бўлсин!

Янги, XXI аср хайрли бўлсин!

Эҳтиром ила,

**А.Тулеев,**
**Кемерово вилояти Губернатори**

## ШАҲАРЛИКЛАР ХОНАДОНИДА ГАЗ КЎПАЙДИ

Термиз шаҳар аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шаҳарда газ таъминотини яхшилаш тўғрисидаги қарорини бажариш бўйича олиб борилган ишларнинг биринчи босқичи якунига етди. Вилоят ҳудудидан ўтган газ магистралидан тортилган 44 километрлик газ қувури ва газ тақсимлаш шохобчаси фойдаланишга топширилди. Натижада шаҳар газ тармоқлари орқали бир кеча-кундузда термизликлар хонадонига 450-500 минг куб метр газ етказиб берилмоқда.

Шу муносабат билан ўтказилган митингда Термиз шаҳри ҳокими А.Чориев ва Муборак магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи К.Шодиев қурувчиларга миннатдорлик билдириб, шаҳарга тортиладиган яна 24 километрлик газ қувури ишларини жадаллаштириш Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига муносиб совға бўлишини таъкидладилар.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## БОҒЧАЛАР ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАР

***Газетамизнинг ўтган йил 28 ноябр сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Нурота туманидаги қатор боғчаларда озиқ-овқат таъминотида узилишларга йўл қўйилаётгани, таълим-тарбия ишидаги баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар қаламга олинганди. Қуйида мазкур мақола юзасидан олинган жавоб хати матни билан танишасиз:***

— Мақолада келтирилган танқидий фикрлар тўғри. Ҳақиқатан ҳам боғчаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилган. Газета чиқишидан сўнг имкониятлар излаб топилди ва таъминотдаги узилишларга барҳам берилди. Жумладан, туман Халқ таълими бўлими ҳисоб рақамига 11,5 миллион, «Чашма» ҳиссадорлик жамиятига 9 миллион ва Нон комбинатига 2,5 миллион сўм пул ўтказилди.

Газетада кўрсатиб ўтилган камчиликлар қайта такрорланмаслиги учун боғчалар озиқ-овқат таъминоти туман ҳокимлиги томонидан қатъий назоратга олинди.

**А.ЎРОЗОВ,**
**Нурота туман ҳокими ўринбосари.**

## ТЕХНИКА ЎЗ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Газетамизнинг 2000 йил 5 сентябр сонида «Кучлари тадбиркорга етибди...» сарлавҳали танқидий мақолада Қўшкўпир туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги «Аланга» хусусий кичик корхонаси мулки бўлган трактор ва прицепларни етти йилдан буён ғайриқонуний равишда ишлатиб келинаётгани оқибатида ғишт ишлаб чиқариш цехи тўхтаб, ишчилар беиш қолгани, давлатдан қарздорлик кун сайин ортиб бораётгани танқид остига олинганди.

Ушбу мақола юзасидан мутасадди ташкилотдан қуйидаги жавоб олинди:

— Газета чиқиши муносабати билан ҳокимлик томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, ҳақиқий аҳвол ўрганиб чиқилди. Мақолада келтирилган далиллар ўз тасдиғини топди. «Аланга»га тегишли 3 та трактор ва бошқа механизмлар «Гулистон» хўжалигидан кичик корхонага олиб берилди.

**Б.РАЖАБОВ,**
**Қўшкўпир тумани ҳокими.**

*«Универсиада-2002»*

## СТАДИОН ҚАЙТА ҚУРИЛАДИ

Наманган шаҳридан эстафетани қабул қилиб олган Бухорода 2002 йил май ойида мамлакат талабаларининг Иккинчи универсиадаси бўлиб ўтади. Унда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланадиган уч мингдан зиёд талаба ёшлар қатнашади. Шунингдек, унга қўшни давлатлар, жумладан, Россиядан ҳам спортчилар қатнашиши кутилмоқда. Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари, асосий беллашувлар вилоятнинг бош стадиони - «Бухоро»да ўтказилади.

Айни пайтда 10 минг атрофида томошабин сиғадиган бу стадион таъмирдан сўнг 30 минг кишини қабул қилиши лозим. Уйингоҳ атрофида умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари, автомобиллар тўхташ жойи ва бошқа қулайликлар яратилади. Бу қурилишларни атиги бир йил ичида тугаллаш учун мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, 2,5 миллиард сўм атрофида маблағ зарур бўлади.

Бухоро вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарган «Универсиада-2002»га тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилишда ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

***Бухоро шаҳридаги С.Айний номли мусиқали драма ва комедия театрида «Янги йил эртаги» деб номланган байрам томошалари ўтказилмоқда.***

## КИЧКИНТОЙЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Янги йил кунларида ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилган бу спектаклда Қорбобо, Қорқиз, Асрбобо, Қуён, Тулки, Эртакчи каби эзгулик олами вакиллари эртак қаҳрамонини барча нуқсонларини эски асрда қолдирган ҳолда Янги асрга олиб ўтадилар. Анъанавий эртак воқеалари замонавий мавзуга, бахтиёр болалик қувончларига уланиб кетадиган ушбу томоша куй ва қўшиқларга, шўх рақсларга бой.

Чиройли декорациялар янги спектаклни том маънодаги Янги йил эртагига айлантирди, жажжи томошабинлар санъат сеҳридан баҳраманд бўлдилар.

## МАЪНАВИЯТИМИЗ ГУЛТОЖИ

***Хатирчи туманида «Алишер Навоий-шеърият мулкининг султони, маънавият гултожи» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.***

Унда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли маърузалар ўқилди, ўлмас шеъриятидан намуналар тингланди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари буюк шоир таваллудининг 560 йиллигига қизғин ҳозирлик кўриш, уни кўнгилдагидек ўтказиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Шоир ижодидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**(ЎзА).**

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

***Ангор туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази директори Б.Эшпўлатов қаттиққўл ва талабчан раҳбар эди. Доимо қўл остидаги ходимлардан лозим бўлган барча ишларнинг ўз вақтида амалга оширилишини талаб этарди. Шу билан бирга юқори ташкилот раҳбарларига ҳам рўй-рост гапирарди. Табиийки, унинг бундай иш услуби ҳаммага ҳам бирдек ёқавермасди. Шу сабабли у вазифасидан ноқонуний бўшатилди.***

## ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Бундан норози бўлган Б.Эшпўлатов Сурхондарё вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига ариза билан мурожаат этди. Унинг аризаси амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ атрофлича ўрганилди, натижада қуйидагилар аниқланди:

Уни ишдан бўшатишга доир ҳужжатларда «Фуқаро Б.Эшпўлатов ўз вазифасидан 2000 йил 13 июлдаги 18-сонли буйруқ ҳамда Меҳнат Кодексининг 99-моддаси талабларига мувофиқ ишдан бўшатилди» дейилади. Орадан тўрт кун ўтгач 20-сонли буйруқ билан марказ директорлиги вазифасига 1-тоифали агроном Аллаёр Расулов тайинланган. Мазкур буйруқнинг 2-бандига кўра унинг зиммасига Б.Эшпўлатовни иш билан таъминлаш юклатилган.

Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази 2000 йил 4 августдаги 22-сонли буйруғи билан 13 июлдаги 18-сонли, 17 июлдаги 20-сонли буйруқларни бекор қилиб, Б.Эшпўлатовни Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-банди билан вазифасидан озод қилган. Афсуски, бу вақтда, яъни 2000 йилнинг 7 июлидан - 3 августигача бўлган муддатда фуқаро Б.Эшпўлатов Ангор туман марказий шифохонасида даволанаётган эди. Бу ҳақда унда тегишли касаллик варақалари мавжуд. Ваҳоланки, у ишдан бўшаш ҳақида ариза бермаган. Қолаверса, Меҳнат Кодексининг 99-моддаси талабларига мувофиқ, иш берувчи Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ходимни 2 ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим эди. Айнан шу кодекснинг 100-моддаси, 3-бандида кўрсатилганидек, ходимнинг вақтинча меҳнатга яроқсизлиги ёки унинг меҳнат таътилида бўлган даврида у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, меҳнат шартномасини ушбу модда талабларига мувофиқ бекор қилишда ходим уч кун олдин ёзма ёки оғзаки равишда огоҳлантирилиши шарт.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ушбу аризани атрофлича ўрганиб чиққан вилоят тармоқ қўмитаси амалдаги қонунларга ва Меҳнат Кодексининг 265-моддаси талабларига биноан қуйидаги тўхтамга келди:

«Сурхондарё вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар марказининг 2000 йил 13 июлдаги 18-сонли, 17 июлдаги 20-сонли, 4 августдаги 22-сонли буйруқлари Меҳнат Кодексининг 99 ва 100-моддаларига хилоф равишда чиқарилган.

Меҳнат Кодексининг 111-моддаси талабларига биноан Б.Эшпўлатов ўз лавозимига тикланиши ва унга мажбурий қолдирилган иш кунлари учун ўртача иш ҳақи миқдорида товон тўланиши лозим».

Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг аралашуви натижасида адолат қарор топди. Бахтиёр Эшпўлатов ўз вазифасига тикланиб, товон пулларини олди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# 2001 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Ходимлар ҳуқуқ кафолатларининг қонунчиликда белгиланганидан юқори даражасини ўрнатиш, меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилиб, асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади, касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб боришдан мақсад, бир томондан, корхонанинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган қарорларни ишлаб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, ходимларнинг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат қилиш учун соғлом ва хавф-хатарсиз шароитни яратиш билан қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Музокаралар томонларнинг ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ҳақиқий молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш, томонларнинг олган мажбуриятларини бажариш учун масъулияти асосида олиб борилади.

Музокаралар давомида ўзаро ва алоҳида мажбуриятлар, жамоа шартномаларини тузиш ва уларни бажариш йўллари, келиб чиқиш мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муҳокама қилинади.

Жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар икки томоннинг келишуви асосида олиб борилади, иш берувчи томонидан музокарада раҳбар ёки унинг ваколатли ходими, касаба уюшмаси томонидан — касаба уюшма қўмитасининг раиси қатнашади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Вакиллар сони камида уч киши бўлиши керак. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси жамоа шартномаси тузиш юзасидан музокараларни бошлаш учун асос бўла олади, бу талаб аввалги шартнома муддати тугашидан уч ой олдин ёзма равишда юборилади.

Музокараларга тайёргарлик кўриш даврида корхона касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг таклифларини бирма-бир тўплаши, анкета тарқатиши ва мажлислар баённомаларини таҳлил қилиб чиқишлари керак, бу музокара жараёнида жамоа фикрига таяниш имконини беради.

Айни пайтда корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилиб чиқилиши лозим бўлади.

Мазкур масалалар бўйича музокаралар кейинчалик комиссиянинг мунтазам олиб бориладиган мажлисларида давом эттирилиб, уларда долзарб масалалар мажмуи муҳокама этилади. Бу масалалар таклиф, талаб, ўзаро мажбуриятлар шаклида, эҳтимол жамоа шартномасининг муқобил варианти шаклида ҳам расмийлаштирилиши лозим.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан икки томон бир фикрга келганидан кейин комиссия жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Ушбу тавсиялар иловасида Меҳнат кодексида норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ёки шарт деб бевосита кўрсатма берилган моддалар рўйхати келтирилган.

Жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси умумий мажлисда маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Жамоа шартномасида қуйидаги бўлимларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамоа шартномаси томонлари

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.

1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7. Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этилиши.

2.2. Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ____% миқдорида пул ўтказиб бориш.

2.5. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

## III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.

3.3. Хом-ашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш.

3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари.

## IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1. Касаба уюшма қўмитаси вакилини ҳал қилувчи овоз билан хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибига киритиш.

4.2. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари ва уни ўтказиш муддатлари, масъул мансабдор шахслар.

4.3. Корхона тасарруфидаги мол-мулкни касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз сотилиши, бошқаларга ўтказилиши, ижарага берилишига йўл қўймаслик.

4.4. Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш.

4.5. Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши.

4.6. Акцияларни тайёрлаш ва тақсимлаш тартиби.

4.7. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларини фаолият кўрсатиш тартиби.

4.8. Хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг айрим гуруҳларига имтиёзлар бериш.

4.9. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари.

## V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва ҳажми, натура шаклидаги тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш.

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақини етказиладиган даражаси.

5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар.

5.4. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.5. Иш вақтининг янги нормаларини жорий этиш тартиби.

5.6. Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати.

5.7. Ходимлар тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;
- кечки, тунги сменалардаги, ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;
- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;
- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;
- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;
- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек, бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;
- қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;
- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;
- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори.

5.8. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

## VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасини олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари.

6.4. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларни сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) меҳнатга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари.

6.7. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

## VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- 16 ёшдан ва 18 ёшгача бўлган ходимлар учун (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- I- ва II-гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар);
- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун (МК 228*-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас).

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги.

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

7.5. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати.

7.6. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.7. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.8. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи.

7.9. Йиллик таътиллар учун ҳақ тўлаш муддатлари.

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

# ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 2001 йил учун

**7**

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;
- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

7.11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

7.12. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари.

### VIII. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда тутиш ва уларни ишлатиш тартиби.

8.2. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларининг нормалари, таъминот тартиби ва шартлари.

8.3. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш муддатлари.

8.4. Асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолга келтириш.

8.5. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини техник жиҳатидан қониқарли ҳолда сақлаш.

8.6. Иш жойларида чангланиш, ифлосланиш, шовқин ва тебранишларнинг нормада бўлишини таъминлаш, иш жойларида об-ҳаво, намгарчилик режими ва ёруғликнинг нормал бўлишига эришиш.

8.7. Оғир меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар сонини камайтириш чоралари, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдан воз кечиш.

8.8. Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестация қилишни ўтказиш.

8.9. Куз-қиш даврида ишлашга тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар бажарилишини назорат қилиш.

8.10. Ходимлар айрим гуруҳларини махсус кийим-бош билан қўшимча таъминлаш шартлари.

8.11. Ўз вақтида ювиш учун махсус кийим-бошни икки комплектда бериш масаласини кўриб чиқиш.

8.12. Озиқ-овқат, сут, витаминли дори-дармонлар ва ҳоказоларни бепул бериш.

8.13. Ходимларни корхона ҳисобидан бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан суғурта қилишнинг аниқ миқдорлари.

8.14. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга ва бахтсиз ҳодиса оқибатида нобуд бўлган ходим оиласига тўланадиган бир марталик ёрдам пулининг миқдорлари.

### IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини

**8**

бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши.

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш.

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқ)даги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш.

### X. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

10.1. Болалик аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар.

2001 йилни «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги имтиёзларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир:
- болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўлланмалар қийматини қисман қоплаш;
- ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;
- ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шуғулланишлари харажатларини қоплаш;
- болалик аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлаш;
- ҳомиладор аёлларни енгил ишга ўтказиш тартиби;
- кўп болалик аёллар учун ижтимоий ҳимоя жамғармасини ташкил этиш;
- штатлар қисқартирилганда болалик аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;
- корхона ҳисобидан туғиш таътилларини ҳомиладорликнинг 5-6 ойидан бошлаб бериш;
- 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш;
- бошқа тадбирлар.

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари, шунингдек, корхонадан пенсияга чиққанлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санаторий-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).

### XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, уларни мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2. Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар (шу жумладан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобчаси) ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада

**9**

маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5. Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6. Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7. Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика Ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9. Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10. Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11. Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар-жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12. Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва ота-оналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15. Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари ва янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17. Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Корхона ва ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилакторийларда мактаб ўқувчиларини таътил даврида ўз ота-оналари билан биргаликда стационар ёки амбулатория тарзида соғломлаштириш.

### XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.

### XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА КАСАБА УЮШМА САЙЛАНМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюш-

**10**

ма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси (акциядор) сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши.

13.2. Корхона Устави лойиҳаси хусусида касаба уюшма қўмитаси билан мажбурий равишда келишиб олиш.

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш.

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув.
2. Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
4. Корхонада қабул қилинган тарификация.
5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом.
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом.
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом.
10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом.
11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати.
12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати.
13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати.
14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари.
15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати.
16. Ички тартиб қоидалари.
17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузган ходимлар рўйхати.
18. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати.
19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом.
20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
21. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси.
22. Қишги-баҳорги ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари.

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томон-

**11**

ларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

**«2001 йил учун жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар»га Илова**

### МЕҲНАТ КОДЕКСИДА НОРМАТИВ ТУСДАГИ ҚОИДАЛАР ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН ЁКИ ШАРТ ДЕБ БЕВОСИТА КЎРСАТМА БЕРИЛГАН МОДДАЛАР РЎЙХАТИ

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари (4-модда).

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари (22-модда).

Иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар (70-модда).

Ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби (94-модда).

Ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар (95-модда).

Касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (101-модда).

Ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қонунчиликда назарда тутилганидан бошқа ҳолатлар (103-модда).

Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати (117-модда).

Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати (119-модда).

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, ҳисобга олинадиган давр муддати, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар (123-модда).

Ходимларни дам олиш, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади (130-модда, 132-модда).

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари (137-модда).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаб қўйган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлар рўйхатига кирмаган бошқа жойларда ҳам ушбу шароитлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби (138-модда).

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам

**12**

йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш масаласи (142-модда).

Таътил учун ҳақ тўлаш муддати (148-модда).

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловларни белгилаш (153-модда).

Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори (157-модда).

Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори (158-модда).

Ходимнинг айби билан қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар (159-модда).

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш кечиктирилганлиги учун жавобгарлик (161-модда).

Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида ходимга бериладиган кафолатлар (166-модда).

Ходимнинг (171-, 172-, 173-моддаларда кўрсатилган) иш билан боғлиқ қўшимча харажатларини компенсация қилиш шартлари ва тартиби (170-модда).

Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш (180-модда).

Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги (185-модда).

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори (194-модда).

Давлат мулки шаклидаги корхоналарда иш берувчининг ходимдан зарарни ундиришдан воз кечиш ҳоллари (200-модда).

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати жамоа шартномаларида белгиланади (203-модда).

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби (216-модда).

Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари (217-модда).

Болани парваришлар таътилларининг вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари (234-модда).

Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби (236-модда).

Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш (240-модда).

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар (249-модда).

Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг сон таркиби ва ваколатларини белгилаш (262-модда).

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мутахассислари томонидан тавсия этилган.**

## МУРУВВАТЛИ ЭЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида меҳр-мурувват ўн кунлиги қизғин ўтмоқда. Унда Хоразм вилояти касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Биз Урганч шаҳридаги 94-сон махсус интернат тарбияланувчиларига байрам дастурхони ёзиб, совғалар улашдик, — дейди вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Арслонбек Қурбонниёзов. — У ерда Янги йил шодиёнасини нишонлашга жами 500 минг сўм сарфланган бўлса, шундан 100 минг сўмдан зиёди қўмитамиз ҳисобидан бўлди. Шуниси қувончлики, мазкур тадбир болажонларга олам-олам шодлик бахш этди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтожларга саховат кўрсатиш халқимизнинг энг азалий фазилатларидан ҳисобланади. Бу бугунги кунда ҳам ўзининг ажиб ифодасини топмоқда.

Яқинда Тошкент вилоятининг Паркент туманида хайрли тадбир ўтказилди. Янги йил байрами муносабати билан 36 нафар меҳрга ташна болажонлар байрам дастурхонига таклиф этилдилар. Шўх куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар болажонларга олам-олам қувонч бахш этди. Кеча сўнгида уларга совға-салом улашилди.

*Суратларда: тадбирдан лавҳалар.*

**И.ХАСАНОВ олган суратлар.**

## БОР БЎЛ, МЕҲР-ОҚИБАТ!



*Янгича тизим - янгича ёндашув*

## РЕЙТИНГ — ДАВР ТАЛАБИ

***Инсоният яралибдики, тафаккур тадрижан тараққий этиб келмоқда. Бунда илм ва фаннинг ўрни беқиёс, албатта. Ҳозирги кунда ҳар бир фан соҳасида жамиятимизнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларига тўла жавоб бера оладиган фаол ва самарали йўриқларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурати пайдо бўлди.***

Маълумки, мамлакатимизда бундан уч йил аввал маориф соҳасида ислоҳотлар бошланган эди. Ўтган давр мобайнида олий ва ўрта махсус таълим «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларидан келиб чиққан ҳолда янгича ташкил этилди. Бўлажак мутахассислик ҳисобга олинган ҳолда бакалавриатура ва магистратура босқичларида фан ўқитилиши янгиланди. Магистрликка даъвогар талабалар ўз касбий тизими ва унинг ўзига хос тамойиллари асосида таҳсил ола бошладилар. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий билимлар магистратурада таҳсил олаётган талабанинг маънавий қиёфасини мукаммаллаштиради. Техника асослари, бозор муносабатлари ва рақобатлари, ҳуқуқшунослик, мутахассислик асосларини билиш, жаҳон илмий янгиликларини кузатиб бориш эса касб маҳоратини пухта эгаллашга ёрдам беради. Ана шундагина магистрнинг барча илмий хулосалари, назарий билимлари амалиёт билан боғланади.

Аёнки, авваллари мактаб ва олий ўқув даргоҳларида ўқитиш 5 баллик тизимда ташкил этилганди. Унинг асосий камчилиги ўқувчи-талабалар билимини баҳолашда кўринар эди. Бу тизимдан кўра фаолроқ, ўқитувчи ва талабалар учун бирдек қизиқарли бўлган замонавий рейтинг тизими ўзини тўла оқлаётганлигига хусусан, Тошкент Кимё Технология институти илмий-ўқув ишлари мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Бинобарин, янги педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган замонавий рейтинг тизими нафақат ўқув йўналишидаги рейтинг шкаласидан, балки ижодий ва ташкилий йўналишлардан ҳам иборат бўлиб, бу талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаол иштирокини таъмин этибгина қолмай, уларнинг ижодий-амалий фаолият олиб боришларига ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Моҳира ЖАЛИЛОВА,**
**талаба.**

# ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

***Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.***

## «ТАСАВВУФ РИЗО АҲЛИДИН ЯХШИ АХЛОҚ...»

**(Бир ғазал талқини)**

***Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,***
***Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.***

***Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,***
***Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.***

***Тасаввуф эмас зуҳду тақвию тоат,***
***Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.***

***Эрур маҳз тақвий ва лекин риёсиз***
***Убудият сарфу айни талаттуф.***

***Не эл қавлу феълиға андин таадди,***
***Не ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.***

***Ўзин уйла беихтиёр англабонким,***
***Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.***

***Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,***
***Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.***

Мусулмон оламида энг кўп тилга олиниб, энг кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлган ва жуда кўп таърифлар битилган иккита калима бўлса, шунинг биттаси тасаввуф сўзидир. Бу калима Шарқ чегарасини кесиб Ғарбга ҳам ўтган. Ва Ғарб олимларидан бири аҳли тасаввуфнинг тасаввуфга берган таърифларини бир жойга жамлаб, уларнинг сўфийликка муносабатлари бирбирига ўхшаш келмаслигини кўриб ҳайрон қолган.

Дарҳақиқат, тасаввуфни англашда маълум бир фарқлар бўлганидек, тасаввуф тажрибасида ҳам баъзи номувофиқликлар бўлган. Шу боис ҳам айрим шоирлар ўзлари мансуб ёки хайрихоҳ тариқат талабларига таянган ҳолда тасаввуфга шеърий таърифлар битишган. Алишер Навоийнинг «Фавойидул кибар» девонидан ўрин олган юқоридаги ғазал ҳам худди шундай шеърлардан бири.

Академик адибимиз Ойбекнинг таъкидлашларича, Навоий даврида тасаввуф «юксак аристократия муҳитида ғоят катта эътибор қозонган. У вақтнинг кўп акобир ва аъёнлари, шоирлар ўзларини тасаввуфга мансуб деб билганлар». Айниқса, эркин ва мустақил фикр соҳибларини тасаввуф йўли ўзига мафтун этган. Шунга қарамасдан, тасаввуф оммавий бир йўл бўлмасдан, нафсни енгиб, дунёни таниб, маънавий йўлчиликда охирги манзилгача етиб бора оладиган хос ошиқларнинг яшаш тарзи, маърифат ва ҳақиқат майдони эди. Бизнинг назаримизда, Навоий тасаввуф талқинига махсус шеър бағишларкан, масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам эътиборга олган эди. Буни ғазалнинг илк байтиданоқ илғаш мумкин:

***Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,***
***Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.***

Яъни: кимгаки тасаввуф йўли ёки маслаги мусаллам бўлган бўлса, унинг шахсида ва сулук одоби бўйича ҳаракат қилишида ҳеч қандай ихтилоф бўлмаслиги зарур.

Нақл қилинишича, бир зот Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ёнларига келиб, «Эй Оллоҳнинг расули, «Дин нимадир?» - дея сўраганда, пайғамбар «Дин гўзал ахлоқдир», - деб жавоб қайтарибдилар. Савол берган киши Оллоҳ расулининг ўнг ёнларига ўтиб яна «Эй ҳабиби Оллоҳ, дин недур?» - деб сўрабди. «Дин гўзал ахлоқдур», - деган жавоб такрорланибди. Ҳалиги кимса энди пайғамбарнинг орқаларига ўтиб, «Эй Оллоҳнинг расули, «Дин нимадур?» - деганда, Ҳазрати Муҳаммад Мустафо «Англамасмусен, дин ғазабланмасликдур», - деган эканлар. Айни




шунга ўхшаш қараш, яъни тасаввуфни гўзал ва комил ахлоқ деб билиш тариқат вакиллари ўртасида кенг тарқалган. Шайх Абул Ҳасан Нурий, «Тасаввуф — русум ҳам эмас, улум тарзи ҳам эмас, балки яхши ахлоқдур», - деса, Каттоний «Тасаввуф — бу ахлоқ демак. Ахлоқан ким сендан илгарилаеа, тасаввуфда ҳам илгарилаган бўлади», - дейди. Абу Усмон ал-Мағрибий фикрича эса, «Яхши ахлоқ Оллоҳдан рози бўлмоқдур».

Алишер Навоий:

***Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,***
***Эрур истилоҳоти зебу такаллуф, —***

деганда, юқоридаги каби фикр-қарашларни гўё умумлаштиради ва яхши ахлоқ асосини Оллоҳдан ризолик сифатида белгилайди. Чунки ризо ҳолини яшай олган ва ризо мақомига юксалган киши учун зоҳирий бир даъвонинг ҳеч қанақа қиммати қолмайди.

Навбатдаги байтда янада муҳим фикр илгари сурилган:

***Тасаввуф эмас зуҳду тақвию тоат,***
***Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.***

Аслини олганда, зуҳд охират йўлчиларининг шарафли мақомларидан ҳисобланади. Абдулло Ансорий тасаввуфга бағишланган «Сад майдон» рисоласида зуҳдни учга бўлади: аввал дунёдан, сўнг оммадан, ниҳоят ўздан зуҳд. Унингча, дунёдан зуҳднинг нишонаси — ўлимни хотирдан чиқармаслик, қаноатли бўлиш, дарвешлар суҳбатидин баҳрамандлик. Ўздан зуҳд эса инсоннинг ўз ичидаги ёвузлик, кучсизлик ва мунофиқликларни аниқ билишидир. Хўш, Навоий «зуҳду тақвию тоат»ни нега тасаввуфдан ажратаётир? Чунки, тасаввуф учун бош асос ишқ, завқ, илоҳий гўзалликдан туғилган самовий ҳиссиётлардир. Шу боис, ҳақиқий тасаввуф аҳлида зоҳид ва обидлардаги ички турғунлик, маънавий-руҳий ҳаракатсизлик мутлақо кўзга ташланмайди. Улар дунёни доимо ҳаракатда ва янгиланишда идрок этадилар. Энг муҳими, тақвию тоат соҳибларида учрайдиган риё ёки ботиний кибр тасаввуфда илдиз-илдизи билан қурийди:

***Эрур маҳз тақвий ва лекин риёсиз***
***Убудият сарфу айни талаттуф.***

Маълумки, инсоннинг фикрига зуғум қилиш унинг онги, маслаги ва қалбига тажовуз қилиш демак. Кишининг феълига озор бериш — унинг қадри, ғурури ва фазилатларини менсимаслик билан баробар. Тасаввуф муомала-муносабатда «эл қавлу феълиға» зўру зулм етказишни ҳақ томонидан ман этилган амрларга қарши бориш, яъни гуноҳи азим ҳисоблайди. Бу ҳақиқатларни мутафаккир бобомиз қуйидаги шаклда баён этганлар:

***Не эл қавлу феълиға андин таадди,***
***Не ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.***

Тасаввуфда тўрт турли хотира хусусида фикр юритилади. Булар: шайтоний, нафсоний, малакий ва раҳмоний хотира. Раҳмоний хотира — инсонни чалғитмайдиган, устувор ва безавол хотира. Қалб барча хавотир ва ўткинчи орзу-ю ташвишлардан фориғ бўлгач, раҳмоний хотира инсон хотиржамлигининг бир манбаига айланади. Керақсиз тараддудлар барҳам топиб, афсусларга жой қолмайди. Бу эса соликнинг камолот босқичларидан юқори кўтарилиб, ишқ манзилига яқинлашганидан нишонадир. Ғазал охирида тасаввуфнинг туб моҳияти ва асосий шарти ҳақида бундай дейилган:

***Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,***
***Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.***

Бу фикр — ваҳдати вужуд таърифи берилган ниҳоятда гўзал фикр. Эришиладиган тасаввуфий бир мақом ёки маслакдир. Унга етишган толиб ёки ошиқ дунёдаги барча нарсаларнинг пайдо бўлишини ягона бир вужуд туфайли деб билади. Бу вужуд қачонлардир ишқ ва жабарут оламида яширин бўлган ва ўзининг мавжудлигини зоҳир айлаган Оллоҳ таолодир. Зеро, бу Вужуднинг борлиғи ишқ, ботини нур эрур. Шу Вужуд бўлмаса, ишқ ҳам, мавжудот ҳам бўлмасди. Демак, дунёдаги барча борлиқлар ишқ туфайли ва ишқ учун яратилган. Оламнинг жони эса шу Вужуд сийратидаги нур эрур. Ҳақ вужудида ўз вужудин маҳв этиш дегани, ана шу ишқ, ана шу нурга фоне бўлишдир. Тасаввуфнинг сўнгги манзили ҳам мана шудир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори.**

## БУ ТУРФА ОЛАМ

Янги йил оқшомида ҳам мўъжиза рўй бериши мумкин. Литвалик 27 ёшли Йонасу Вайтекунас 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси туш кўрди. Тушида у жуда бой бўлиб кетган эмиш. Мўъжизани қарангки, эртаси куни ўтказилган «телелото» ўйинида Й.Вайтекунас янги «Пежо» автомобилини ютиб олди.

* * *

Хитойнинг Хэнань вилоятида дунёдаги энг йирик қўнғироқ яратилди. Ушбу бронзадан ясалган «мусиқа асбоби»нинг оғирлиги 108 тонна келади. Қўнғироқнинг баландлиги 8,1, айланаси эса 5 метрга тенг.

## TV дастури
### ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

## ДУШАНБА, 8

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Лирик тароналар.
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Гўзаллик оламида».
9.25, 12.35 ТВ-метео.
9.30 «Олам футболи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг қишки таътил кунларида:
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Шарки ва Жорж». Мультсериал премьераси.
11.20, 16.30 ТВ-анонс.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
12.40 «Дунё кўриб дунёлар ярат».
13.00 «Осмондан тушган одамлар». Видеокомедия. 1-қисм.
13.45 ТВ-1 намойиш этади.
14.10 Болалар учун. «Мўъжизалар майдончаси».
15.05 Кундузги сеанс: «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.
16.40 «Янги йил саргузаштлари». Мусиқий дастур.
17.30 ТВ-интернет.
17.35 «Фермер».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Рокки ва унинг дўстлари». Мультфильм. 7-қисм.
18.25 ТВ-патруль.
18.35 ТВ-клип.
18.40 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.45 ЎзТВ хазинасидан: «Навоий». Видеофильм. 9-10 қисмлар.
22.45 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: Викинглар саргузаштлари. «Тошда ҳам дарахт ўсади» фильмида. 1-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» почтаси, «Алифбе байрами».
10.40 «Саломатлик сирлари».
11.00 «Давр» ҳафта ичида».
11.40, 15.15 «Мусиқий лаҳзалар».
11.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 5-қисм.
12.15 «Автосалтанат».
12.30 «Фотима ва Зуҳра». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 Қишки таътил экрани. «Самовий саргузаштлар». Телесериал 13, 14, 15 - қисмлар.
15.25 «Ўзбек кураши жаҳонда».
15.45 «Истиқлол қайтарган номлар». Ғози Юнус.
16.00 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
16.10 «Жаҳон жуғрофияси». «Каркидонлар. Эълон қилинмаган уруш».
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» мактаби: «Жуғрофия».
17.40 «Янги аср арчаси».
18.15, 19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
18.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Эрта сўнган юлдузлар».
20.05 «Ёшлар овози».
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Қалбим чечаги». Телесериал. 5-қисм.
21.20 «Бир пиёла чой устида».
21.40 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 «Хайрли тун».

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
18.25 ТТВда сериал: «Живз ва Вустер». 5-қисм.
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
21.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Авто-news».
22.00 «Омад» тележурнали.
22.20 «Эҳтиром ила».
22.40 «Экспресс» телегазетаси.
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.45 «Тунги тароналар».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Афсунгар». Сериал.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Контакт».
18.15 CFI тақдим этади: «Ёввойи ҳайвонлар туркумидан».
19.10 «Клип-антракт».
19.15 «Учинчи даражадаги яқин мулоқот». Бадиий фильм.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
23.00 Кинематограф. «Амазонка». Сериал.
00.15". Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 5-таянч мактаб томонидан Мирзаев Фарҳод Маъруфович номига берилган O'R-B-050169 — рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 2024.

1 2 3 4 5 6